




Ушуг 50 йиллиги шарафига



БҲТҮН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 НИЛ ЧИҚИШИ

№ 203 (3685).

13

ОКТАБРЬ

Ж У М А

1967 й и л

Баҳоси 2 тўйиқ.



Масура Масагутова кўп сонли турсуноичилар сафидан муносиб ўрни олган механизатор аёллардан биридир. У пахтаи машина билан теришда Ўрта Чирчиқ районидagi «Северний маяк» колхозиди нешқадимлиқни кўлдан бермаёттир. Ўртоқ М. Масагутова яқин кунлар ичиди юбилей йили социалистик мажбуриятини шараф билан бажаради. Суратда: ўртоқ М. Масагутова.

А. Абалин фотоси.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

● Марра яқин. Суръатга-суръат қўшайлик!

● Юбилейни муносиб совғалар билан кутиб олайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Иттифок Советининг кечқурунги мажлисида доклады муҳокама қилишда депутатлардан Нижний Тагилдаги В. И. Ленин номида металлургия комбинати мартен цехининг бўлат эритувчиси Ю. П. ЛОСКОНЕНКО, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. КЭБИН, Тошкентнинг СССР Министрлар Советининг Раиси А. ҚАХХОРОВ, КПСС Татаристон облась комитетининг биринчи секретари Ф. А. ТАБЕЕВ, ВЦСПС секретари Н. Н. РОМАНОВ, КПСС Тюмень облась комитетининг биринчи секретари В. Е. ШЧЕРБИНА қатнашдилар.

Миллатлар Советининг мажлисида бўлган музокарада депутатлардан СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академиясининг биринчи раиси (Новосибирск шаҳри) М. А. ЛАВРЕНТЬЕВ, Туркманистон СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. М. ҚИЛИЧЕВ, СССР Химия саноати министри Л. А. КОСТАНДОВ, Довгонистон АССР Министрлар Советининг Раиси М. — С. И. УМАХОНОВ, Грузия Компартияси Жабурий Осеетия облась комитетининг биринчи секретари Г. Н. ЖУССОВЕ, Центросоюз правленисининг раиси А. П. КЛИМОВ, Тува АССР Министрлар Советининг Раиси М. К. МЕНДУМЕ, Қалмоқ АССР, Приотнея районидagi «ВЛКСМ 40 йиллиги» совхозининг директори А. Б. ОЧИРОВ сўзга чиқдилар.

Ана шу депутатларнинг сўзларидан кейин СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси, депутат Н. К. БАЙБАКОВ билан СССР Молия министри, депутат В. Ф. ГАРБУЗОВ докладырини муҳокама қилиш тугади.

12 октябрда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

МОСКВА, 12 октябр. (ТАСС). Еттинчи ҳақиқий СССР Олий Советининг учинчи сессияси бугун Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг кўшма мажлиси бошланди.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Г. И. ВОРОНОВ, А. Н. КОСИГИН, А. Я. ПЕЛЬШЕ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, Д. С. ПОЛЯНСКИЙ, М. А. СУСЛОВ, А. Н. ШЕЛЕПИН, П. Е. ШЕЛЕСТ, Ю. В. АНДРОПОВ, В. В. ГРИШИН, П. Н. ДЕНИСОВ, Д. А. КУНАЕВ, П. М. МАШЕРОВ, В. П. МИХАИЛЕНКО, Д. Ф. УСТИНОВ, В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ, И. В. КАПИТОНОВ, Ф. Д. КУЛАКОВ, Б. И. ПОНОМАРЕВ, М. С. СОЛОМЕНЦЕВ ўртоқларини депутатлар ва меҳнаткорларнинг кўпчилиги кутди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВ яқиндаги нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг кўшма мажлисида ҳар иккала палатанинг депутатлари алоҳида-алоҳида овозга қўйиш йўли билан СССР халқ ҳўжалигини ривожлан-

тиришининг 1968 йилги давлат плани тўғрисидаги ҳамда СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1969 ва 1970 йилларга мўлжалланган планлари ҳақидаги қонунни яқдиллик билан қабул қилдилар.

Шундан кейин СССР Молия министри, депутат В. Ф. ГАРБУЗОВ яқиндаги нутқ сўзлади.

Депутатлар СССРнинг 1968 йилги давлат бюджетини даромадлар ва ҳаражатлар бўйича палаталарда алоҳида-алоҳида тасдиқладилар. Шундан кейин СССРнинг 1968 йилги давлат бюджетини тўғрисидаги қонун бир овоздан қабул қилинди.

СССРнинг 1968 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги қарор ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги низом лойиҳасини қараб чиқишга киришди. Иттифок Советининг қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссияси раиси депутат М. С. СОЛОМЕНЦЕВ шу масала тўғрисида доклад қилди.

Депутатлар СССР Олий Советининг Иттифок Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қонунни алоҳида-алоҳида овозга қўйиш йўли билан бир овоздан қабул қилдилар.

СССР Олий Совети сессияси СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлашга киришди. СССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат М. П. ГЕОРГАДЗЕ шу тўғрисида доклад қилди.

Депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг олдинги сессиядан кейинги даврда қабул қилинган фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги қонунлар ва қарорларини қабул қилди.

Шундан кейин СССР Олий Совети СССР Олий Судини сайлаш тўғрисидаги масалани қараб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди. Депутат А. Ф. ГОРКИН СССР Олий Судининг раиси қилиб сайланди.

Шу билан сессиянинг эрталабки мажлиси ёпилади.

Куннинг иккинчи ярмида СССР Олий Совети Миллатлар Совети билан Иттифок Советининг кўшма мажлисида СССР Муҳофаа министри Совет Иттифок маршали, депутат А. А. ГРЕЧКО «Умумий ҳарбий хизмат тўғрисида» СССР қонун лойиҳаси ҳақида доклад қилди.

Ана шу масала юзасидан Миллатлар Советининг қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссияси раиси депутат Р. НИШОНОВ кўшимча доклад қилди. Шундан сўнг депутатлар «Умумий ҳарбий хизмат, тўғрисида»ги СССРнинг қонун лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Совет ҳўкимиятининг ярим асрлик тўйини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Янгйўлдаги Калинин номида колхоз пахтакорлари юбилей маррасини эгалладилар. Хўжалик давлатга пахта сотиш йиллиги планини 35 иш кунидида тўла адо этди. 957 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтарилиб, давлатга 2660 тонна пахта сотилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига қара-

ганда 600 тонна кўп, демакдир, Шуниси қувончлики, колхоз пахтакорлари машиналардан унумли фойдаланганлиқлари, пахтаи эрта етилтирилганлиқлари туфайли плани бултургига нисбатан 26 кун барвақт бажаришга муваффақ бўлдилар.

Ш. Қўрсетов, Ж. Толипов, А. Абдуқодиров, В. Толкачев сингари ўртоқлар бошлиқ звенолар хўжаликда энг яхши кўрсаткичларга

Ш О Л И МЎЛ БЎЛАДИ

Ихтисослаштирилган шолкорлик совхозимизнинг ишчилари юбилей йилида, айниқса, ташаббус, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Натижада катта-катта майдонларда шолдан мўл ҳосил етиштирилди.

Шу кунларда барча бўлим, бригада ишчилари ўрмита қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг ниёти битта. У ҳал бўлса ўрмининг тез, соз ўтказиб, давлатга ҳар гектаридан нам деганда 35 центнердан шол топиширилади.

Бу умумхалқ курашида бизнинг бўлим ишчилари ҳам актив қатнашмоқдалар. Бу йил биз 376 гектар ерда шол устирдик. Шолкорларимиз экин, парварини қилиш ишларини сифатли ўтказганлиқлари туфайли ҳосил мўл бўлди.

Яқинда биз далаларимизни айланиб, ҳосилнинг чўғини чамалаб чиқдик. Бригаданин ишчилари юбилей олди социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар гектаридан 36 центнерга етказиб ҳосил берамиз, деб аҳдлашиб олдилар. Ҳозирги кунда ҳамма дўқнат эътибор ана шу аҳдизимнинг урдасидан чиқишга қаратилган. Шу мақсадда ўрмита тайёргарлиқни жуда эрта бошладик. Бизга биринчилик қанчаларини ва бошқа ўрми техникаларини яхшилаб ремонтдан чиқариб, қайта-қайта кўрдан ўтказиб шайлаб қўйдик. Ҳар бир зveno, ҳар бир ишчи, ҳар бир комбайнчи ўз зиммасига конкрет мажбурият олди. Ўрмининг шолини гарамлаб қўйилган шолларини ҳам тайёрлаб қўйдик.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VIII пленумида биз шолкорлар меҳнатига юқори баҳо берилди. Шолкорликда деҳқончилик маданиятини ошириш, механизацияни қўлланиш, илгор фан ютуқларини, тақрибларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида ҳосилдорлиқни тинмай ошира бориш вазифаси қўйилган. Шу билан бирга бу йил етиштирилган ҳосилнинг бир килограммининг ҳам нобуд қилмай давлатга топшириш вазифаси белгиланган. Биз партия ва ҳўкуматимизнинг бу кўрсатмаларини сўзсиз бажариш учун курашамиз.

Эрта-индин шолпоиларимизда ўрми қизитиб юборилади. Зиммага олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишчиларни ишга соламыз. Техника, ишчи кўчлари, ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланиб, давлатга шол сотиш мажбуриятимизни улуғ байрам кунига бажариш учун ҳаракат қиламыз.

Қ. ХОЛИҚУЛОВ,
Бекобод районидagi «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг бўлим бошлиғи.

Машиналар шарафати

Оққўрғон районидagi Хамид Олимжон номида колхозда пахтачилик комплекс механизациялаштириш йил сайин авж олдириляпти. Шунинг учун ҳам хўжаликда пахта етиштириш тобора кўпаймоқда, машина термининг кўлами оса кенгаймоқда.

Юбилей йили маррасини эгаллаган колхозчилар ҳозиргача давлатга 2700 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Хўжалик механизаторлари ана шу ҳосилнинг 1970 тоинасини ёки 75 процентини «зангори кема»лар билан йингиб-териб олдилар. Кол-

хознинг катта ютуғи машиналар шарафати туфайлидир.

Механизаторлардан Х. Сандқулов, Т. Тўлаев сингари ўртоқлар ҳозиргача эл хирмонига 100—110 тоннадан пахта тўқдилар. Колхоз деҳқонлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига пландан ташқари яна 550 тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.

Журнал ТАХТАСИ

Юбилей йили пахта тайёрлаш планини муддатидан ялғари бажарганлиқлари учун куйидагилар облась «ЖУРНАЛ ТАХТАСИ»га ёзилдилар.

Оққўрғон райони (район партия комитетининг секретари С. Тоиров, район йироия комитетининг раиси И. Юнусов, район кишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи А. Собназаров, район комсомол комитетининг секретари А. Хўжақулов, «Узсельхозтехника» район биразламсининг бошқарувчиси В. П. Рогачёв, район сугориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи В. Т. Куриленко ўртоқлар). Бу район пландан ташқари яна 10.000 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

БҲКА РАЙОНИ БҲИЧДА

«Гулистон» колхозини (раиси И. Хайдаров, партия ташкилотининг секретари Қ. Хайдаров, бош агроном Абдуллаев, бош инженер Хамроев, комсомол ташкилотининг секретари Умаров ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 1000 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Свердлов номи колхоз (раиси Абдумўминов, партия ташкилотининг секретари Ражабов, бош агроном Соатов, бош инженери Киличев, комсомол комитетининг секретари Сатторов ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 100 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ВАТАНГА АРМУҲОН

Ўтган йили районимиздагина эмас, балки обласьимиздаги ҳамма колхоз ва совхозларда йиллиги пахта тайёрлаш плани шараф билан бажарилиди. Фақат бизнинг колхозгина маррага етолмай оқда қолди кетди.

Бу аччиқ ҳақиқатни қанчалик аламли эканини бошидан кечирган кишилар чўқур ҳис қила олдилар. Бултур биз бунинг «мазасини» татиб кўрган эдик.

Колхозчиларимиз бултурги доғларини ювиш, юбилей йилини ёруғ юз билан кутиб олиш, муносиб совға ҳозирлаш учун аввал баҳордан бери яқин бўлиб меҳнат қилдилар. Колхозимизни қолдоқидан чиқариш, шўҳратини тиклаш учун бу йил юз берган табиий қийинчиликларни марҳонавор енгдилар.

Уларнинг жон куйдириб қилган яқиний меҳнатлари самаралар бўлди. Шу туфайли районимизда биринчи бўлиб ғалаба рапорти берди. Йиллик пахта тайёрлаш плани 17 иш кунидида бажарилиди. Давлат омондорларига топширилган 950 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи марта қабул қилинди. Терим даврида далаларда 22 машина ишлаб

турди. Териб топширилган пахтанинг 660 тоннаси машина бункерларидан тўйилди.

Колхозимизда 6 та участка, 13 та зveno бор. Ҳозиргача 4 участка, 10 звенода план бажарилиди. Ш. Жалолов, Х. Мамазаров, И. Нисов, Р. Мусаев ўртоқлар бошлиқ участкаларда ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда. Бу участка пахтакорлари ҳар гектар ердан пландан 22,5 ўрнига шу кунгача 24-25 центнердан ҳосил кўтардилар.

Х. Пардаев, Э. Қўзибоев бошлиқ звеноларда ҳосилдорлик планидан 3-4 центнер ошди. Хўжалигимизда пахта тайёрлаш планининг қисқа муддатда бажарилишида айниқса механик ҳайдовчиларимизнинг роли катта бўлди. Шулар туфайли маррага тез етдик. Чўзибоев, И. Хантов, С. Нуриддин сингари мохир механизаторларимиз эл олдида юзимизни ёруғ дилимизни шод қилдилар. Шунинг учун ҳамма колхозчиларимиз дала гвардиячиларимиздан беҳад миннатдорлар.

Мохир электр пайланичи Мавлон Саидов «Чирчиксельмаш» заводиди ўн беш йилдан бери намунали ишлаб келаяпти. У юбилей шарафига янада унумлироқ меҳнат қилмоқда. Ойлик топшириқни 1,5 ҳиссадан ошириб бажармоқда. В. Сироткин фотоси.

Юбилей йили ОК ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН
МА ЎЛ УМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			Бир кунда	мавсум бошидан бери
Оққўрғон	2,24	103,55	2,71	118,11
Янгйўл	2,23	99,12	2,36	105,43
Бўка	3,13	96,46	3,92	118,48
Ўрта Чирчиқ	2,60	93,61	3,43	116,88
Юқори Чирчиқ	3,92	93,07	5,00	133,46
Оржоникидзе	3,13	83,10	4,82	75,09
Бекобод	2,57	65,91	3,37	75,35
Облась бўйича:	2,64	93,25	3,25	110,48

